



ҚОНУН БЎЙИЧА ВОРИСЛИК НАВБАТЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

*Тошкент шаҳар фуқаролик ишлари бўйича Учтепа туманлараро
судининг судьяси*

Худайбердиева Хабиба Валиевна.

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси қонунчилига мувофиқ вориблик институтининг ҳуқуқий асослари, тарихий илдизлари ва амалий жиҳатлари тизимли равишда таҳлил қилинган. Муаллиф мерос ҳуқуқининг шаклланишида ислом ҳуқуқи (шариат) ва миллий анъаналарнинг ўрнини ёритиб беради. Мақолада меросхўрларнинг навбатлилиқ тизими, ҳар бир навбатнинг таркиби ва мерос тақсимланишининг ўзига хос хусусиятлари батафсил баён этилган.

Шу билан бирга, мақолада вориблик ҳуқуқи билан боғлиқ юзага келадиган низоларнинг турлари, уларни нотариал ва суд тартибида ҳал этиш масалалари ўрганилган. Тадқиқотда Т.Саломатова ва Р.Р. Янева каби олимларнинг меросга оид даъволарни классификация қилиш бўйича назарий қарашларига алоҳида эътибор қаратилган. Яқунда соҳадаги мавжуд муаммолар — ҳужжатларнинг етишмаслиги, меросни баҳолашдаги қийинчиликлар ва қонунчиликдаги бўшлиқларни бартараф этиш учун рақамлаштириш ҳамда ҳуқуқий хабардорликни ошириш бўйича таклифлар илгари сурилган.

Калит сўзлар: вориблик, мерос, фуқаролик ҳуқуқи, навбатлилиқ тизими, васиятнома, меросхўр, нотариус, вориблик даъвоси, шариат қоидалари, суд амалиёти.

Хусусий мулк эгасининг вафотидан кейин ундан қолган мол-мулк тақдирини белгилаш, уни кимнинг эгалигига бериш масаласига ўтган барча даврда ҳал қилиниши лозим бўлган муҳим масала сифатида қаралиб, турли



йўллар билан ҳал қилиб келинган. Қадимда биргина ер участкаси, уй-жой, рўзғор буюмлари, иш қуроли ва чорва молларига нисбатан хусусий мулкчилик мавжуд бўлиб, шахснинг вафотидан кейин ушбу мол-мулклар урф-одат бўйича марҳумнинг фарзандлари эғалигига ўтган.

Шунингдек, айрим мажбурият ҳуқуқлари, масалан марҳум ҳаётлигида олган қарзини қайтариш ҳам фарзандлар зиммасига юкланган. Бундан ташқари, марҳумнинг мулки тақдири, асосан, шариат қоидаларига кўра ҳал қилинган. Жумладан, мусулмон ҳуқуқида вафот этган шахснинг мол-мулки шариат қоидалари ёки васият бўйича мерос бўлиб ўтиши, мерос очилган пайтда тирик бўлган барча қариндошлар меросхўр ҳисобланиши ҳамда ҳар бир меросхўрнинг ўз ҳиссасига эга бўлиши назарда тутилган.

Шариат қоидаларида, хусусан Қуръонда меросга доир масалалар ҳам киритилган бўлиб, унга кўра марҳум қариндошларининг барчаси биргаликда эмас, балки улар марҳумга қариндошлигининг узоқ-яқинлиги ҳисобга олинган ҳолда, яъни навбати билан мерос олишга чақирилган.

Марҳумнинг фарзандлари ва унинг авлоди энг яқин қариндошлар ҳисобланиб, ота-онаси вафот этган ҳолдагина набиралар бобосининг мулкига нисбатан меросхўр ҳисобланган. Марҳумнинг фарзандлари бўлмаган тақдирдагина ота-оналар ўз фарзандининг мулкидан мерос олиш учун чақирилган. Марҳумнинг фарзандлари ва ота-онаси бўлмаган тақдирда унинг мерос мулки яқин қариндошлари ўртасида тақсимланган бўлиб, мусулмон ҳуқуқида қариндошлар тўрт тоифага бўлинган. Марҳумнинг ворислари бўлмаган ва у томонидан васиятнома қолдирилмаган тақдирда марҳумнинг мулки хазинага топширилиб, давлат эғалигига ўтказилган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида қонун бўйича ворислик аниқ ҳуқуқий тартибда белгиланган бўлиб, унинг асосий принципларидан бири — қариндошлик даражасига қараб ворислик навбатларини белгиловчи **навбатлилиқ тизимидир**¹. Бу тизим ворисларнинг

¹ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 05.06.2024 й., 03/24/931/0402-сон) // <https://lex.uz/docs/111189>



мерос қолдирувчига бўлган яқинлик даражасига асосланади. Навбатлилик қоида­сига кўра, аввалги навбатдаги ворислар мавжуд ва меросни қабул қилган тақдирда, кейинги навбатдагилар меросга даъвогарлик қила олмайдилар.

Фуқаролик кодексининг 1135-моддасига кўра, ворислик қуйидаги **тартибдаги навбатлар** бўйича амалга оширилади:

Биринчи навбатга мерос қолдирувчининг болалари (шу жумладан фарзандликка олинган болалари), эри (хотини) ва ота-онаси (фарзандликка олувчилар) тенг улушларда қонун бўйича биринчи навбатдаги ворислик ҳуқуқига эга бўладилар. Мерос қолдирувчининг вафотидан кейин туғилган болалари ҳам биринчи навбатдаги ворислар жумласига кирадилар.

Бу тоифадаги ворислар энг устувор ҳисобланади ва мерос улар ўртасида тенг тақсимланади.

Иккинчи навбатга мерос қолдирувчининг туғишган ҳамда она (ота) бир ота (она) бошқа ака-укалари ва опа-сингиллари, шунингдек унинг ҳам ота, ҳам она тарафдан бобоси ва бувиси тенг улушларда қонун бўйича иккинчи навбатдаги ворислик ҳуқуқига эга бўладилар.

Учинчи навбатга мерос қолдирувчининг туғишган амакиси, тоғаси, аммаси ва холаси тенг улушларда қонун бўйича учинчи навбатдаги ворислик ҳуқуқига эга бўладилар.

Тўртинчи навбатга мерос қолдирувчининг олтинчи даражагача (олтинчи даража ҳам шунга киради) бўлган бошқа қариндошлари қонун бўйича тўртинчи навбатдаги ворислик ҳуқуқига эга бўладилар, бунда яқинроқ қариндошлар узоқроқ қариндошларга нисбатан мерос олишда имтиёзли ҳуқуққа эга бўладилар.

Ворисликка чақириладиган тўртинчи навбатдаги ворислар тенг улушларда мерос оладилар.

Бешинчи навбатга Мерос қолдирувчининг меҳнатга қобилиятсиз боқимлари, агар улар ушбу Кодекснинг 1141-моддаси асосида мерос



олмасалар, қонун бўйича бешинчи навбатдаги ворислик ҳуқуқига эга бўладилар².

Амалиётда ворислик ҳуқуқи субъектлари ўртасида ўзаро ҳуқуқи ва мажбуриятларнинг ҳажми ва мазмуни масалаларида турли ихтилофлар вужудга келади. Хусусан, мерос олиш талабини билдираётган шахслар улар ўртасида мерос мол-мулкини бўлиниши, меросхўрлар доирасини шакллантирилиши (нолойиқ деб топиш, шахснинг меросхўрлар таркибига киритилмаслиги ва бошқалар) хусусида келиша олмасликлари, шунингдек, меросхўрлар васиятнома бўйича, мерос бошқарувчисининг номзоди ёки унинг тайинланиши юзасидан низолашишлари, нотариус васиятномани тасдиқлашдан ёки мерос гувоҳномаси беришдан, меросни қабул қилиш муддатини тиклашдан воз кечиши мумкин. Мазкур ҳолатларда юзага келган ихтилофлар ва қарамақаршиликлар эса айна пайтда нотариал юрисдикция³ соҳасига тааллуқли бўлмайди, чунки нотариуслар ва бошқа шахслар нотариал ҳаракатларни ҳуқуқий муносабат иштирокчилар ўртасида моддий низо мавжуд бўлмаганида амалга ошириш ваколати эга бўладилар. Бундай низо мавжуд бўлгани нотариус талаб этилган нотариал ҳаракатларни амалга оширишга ҳақли бўлмайди, манфаатдор шахслар ўзларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун тегишли даъво билан судга мурожаат қилиши талаб этилади. Қолаверса, ворисликда бир қатор низосиз фактларни, шунингдек қонун фақат суд тартибида белгиланишни назарда тутган муҳим ҳолатларни (масалан, фуқаронинг вафот этиш фактини белгилаш, қариндошлик даражасини аниқлаш ёки вафот этган деб эълон қилиш) аниқлаш зарурати юзага келиши мумкин⁴.

² Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 05.06.2024 - й., 03/24/931/0402-сон) // <https://lex.uz/docs/111189>

³ Алешина Т.Е. Нотариальная форма реализации права: Теоретико-правовое исследование: автореф. дис. канд. юрид. наук. – Саратов: 2001. – 4 с.

⁴ Гуцин В.В., Дмитриев Ю.А. Наследственное право и процесс: учебник для высших учебных заведений. – М, 2004. – С. 211; Павлова О.А. Наследственные дела или споры? (Что разрешают суды общей юрисдикции?) // Наследственное право. – 2006. – № 2.



Бу ҳолатда Т.Саломатованинг нуқтаи назари ўзига хос қизиқиш уйғотади. Унинг фикрига кўра, “ворислик даъвоси” деганда мерос таркибига кирадиган ҳуқуқлар ва ашёлар тўғрисидаги низолардан келиб чиқадиган ва хато ёки бошқа сабабларга кўра ўзини меросхўр деб ҳисоблаган шахсга мол-мулк мерос тартибида ўтиши билан боғлиқ фактларга асосан меросхўрнинг белгиланган процессуал тартибда судга кўриб чиқиш ва ҳал этиш учун тақдим этилган талаби тушунилади. Мазкур таърифга асосан муаллиф ушбу турдаги даъволарни тўртта мустақил гуруҳга ажратишни таклиф қилади:

- қонун бўйича меросхўрлар ўртасидаги низолар: меросхўр деб эътироф этиш тўғрисидаги, мол-мулкни бўлиш тўғрисидаги, улуш ажратиш тўғрисидаги, ворислик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги, меросни қабул қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги ва бошқа низолар;

- қонун бўйича ва васиятнома бўйича меросхўрлар ўртасида васиятномани тўлиқ ёки қисман ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги низолар;

- васиятнома бўйича ёки турли васиятномалар бўйича меросхўрлар ўртасидаги низолар;

- меросхўрлар ва давлат ўртасидаги низолар. Давлат ҳам ўз навбатида, меросхўр бўлиши мумкинлигини қайд этган ҳолда, Т.Саломатова ушбу низоларни алоҳида гуруҳга ажратишни таклиф этади ва ўз фикрининг асоси сифатида давлат иштирокидаги ишларни судда кўриб чиқиш ва ҳал қилишга хос бўлган процессуал хусусиятлар мавжудлигини келтиради⁵.

Фуқаролик судларида мерос билан боғлиқ кўп турдаги фуқаролик ишлари кўрилади. Уларни даъво тартибида кўриладиган ишлар, алоҳида тартибда кўриладиган ишлар ва шикоят тартибида кўриладиган ишлар сифатида классификация қилиш мумкин⁶.

Низо тартибида кўриладиган ишларни субъектлари таркибига кўра қуйидаги турларга бўлиш мумкин:

⁵ Саломатова Т. Виды исков о наследстве // Российская юстиция. – 2001. – № 7. – С. 22–23.

⁶ Р. Ю. Закиров, Я. С. Гришина, М. М. Махмутова. Наследственное право. – М.: Юристъ, 2005. 303-стр.



- Қонун бўйича ворислар ўртасида(мерос мулкни бўлиш хусусидаги, меросга бўлган ҳуқуқни тан олиш тўғрисидаги, мерос ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги, меросдан улуш ажратиш тўғрисидаги);

- Қонун бўйича ворислар ва васиятнома бўйича ворислар ўртасида(васиятномани ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида, меросдан мажбурий улуш ажратиш тўғрисидаги низолар);

- Васиятнома бўйича ворислар ўртасида ёки турли васиятнома бўйича ворислар ўртасида(хусусан, кейинроқ тузилган васиятномани ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида, васиятнома бўйича меросхўрни нолойиқ деб топиш тўғрисида, мерос мулкни бўлиш тўғрисида);

- Қонун бўйича ворислар ва бошқа шахслар ўртасида (мерос қолдирувчининг кредиторларининг талаблари бўйича, мерос мол-мулкни бировнинг қонунсиз эгалигидан талаб қилиб олиш тўғрисида, васиятнома бўйича мажбуриятни бажариш тўғрисида, меросдан воз кечишни бажариш тўғрисида)⁷.

Судларда кўриладиган меросга оид ҳуқуқий муносабатларни Р.Р. Янева меросга оид даъволарнинг характеридан келиб чиққан ҳолда, уларни икки гуруҳга ажратишни таклиф этади:

- меросга оид даъволар, яъни мазмунида даъвогар ўзининг меросга бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилишни сўраётган талаблар;

- мерос қолдирувчининг мажбуриятларидан келиб чиқадиган, даъвогарнинг мерос ҳуқуқларини тиклашга қаратилмаган даъволар бўлиб, мероснинг очилиш факти уларнинг даъволарига асос бўлиб хизмат қилади⁸.

Ушбу классификацияларни ҳар бирининг мезонига кўра турлари тўлиқ қамраб олинганлигини эътироф этган ҳолда, судларда кўриладиган меросга оид ишларнинг мазмуни бўйича даъво тартибида кўриладиган ишлар, алоҳида тартибда кўриладиган ишлар ва шикоят тартибида кўриладиган ишлар

⁷ Опыхтина Е.Г., Макарова О.Г., Буднева О.Г. Процессуальные особенности рассмотрения и разрешения отдельных категорий гражданских дел. Учебно-практическое пособие. Казань – 2007. 63-стр.

⁸ Янева Р. Р. Особенности рассмотрения судами дел, связанных с наследованием. Автореферат. Москва – 2009. 11-стр.



сифатидаги классификациясини назарий ва амалий жиҳатдан тўғри ва ишларни ўзига хос жиҳатларини ёритишда самарали бўлган таснифлаш деб ҳисоблаш мумкин.

Лекин шу билан бирга, бу классификацияни кўп миқдорда умумлаштириб юборилганлигини ҳам тан олиш лозим, чунки меросга оид ишларнинг асосий қисмини ташкил этувчи даъво тартибидаги ишларнинг ўзи кейинги навбатда бошқа мезонлар асосида яна классификация қилиниши мумкин.

Навбатлилиқ тизимининг мақсади — мерос қолдирувчининг мулки унинг энг яқин инсонларига ўтиши, мулкый барқарорлик сақланиши ва оилавий муносабатларда адолат таъминланишини кафолатлашдир.

Қонун бўйича ворислик — инсон ҳаётидаги муҳим ва доимий жараён бўлиб, у фуқароларнинг мулк ҳуқуқларини тартибга солиш, аҳолининг ижтимоий ва иқтисодий муносабатларини ташкил этишга хизмат қилади.

Ворислик — инсоннинг ўлими ёки мулкдан бошқа усуллар билан ўзгаришлар юзасидан ўз ҳуқуқларини келгуси шахсга ўтказиш жараёнидир. Ворисликнинг ҳуқуқий хусусиятлари унинг шакллариغا, ҳуқуқий асосларига ва амалий тадбиқларига боғлиқдир. Ушбу институт фуқароларнинг мулк ва маъмурий ҳуқуқларини, шунингдек, уларнинг ижтимоий адолатга бўлган талабини таъминлашга хизмат қилади.

Ворисларни аниқлашда юзага келадиган муаммолар ҳам мавжуд. Масалан, меросдан фойдаланишда ворисларни аниқлашдаги муаммолар муҳим аҳамиятга эга. Бу, айниқса, туғилганлик ёки никоҳ тўғрисидаги ҳужжатлар йўқ бўлганда, ворислик ҳуқуқи билан боғлиқ низоларга сабаб бўлади.

Мерос мулкини баҳолаш ва тақсимлашдаги мураккабликлар мавжуд. Масалан, меросни баҳолаш ва тақсимлашдаги қийинчиликлар, айниқса, мулкни аниқ қадрлашдаги ноаниқликлар ва тортишувлар сабабли ворислар ўртасида баҳслар ва низолар пайдо бўлади.



Меросдан воз кечиш ёки қабул қилишдаги ҳуқуқий бўшлиқлар ҳақида тўхталадиган бўлсак, меросдан воз кечиш ёки қабул қилиш жараёнидаги ҳуқуқий бўшлиқлар фуқароларни адаштириши ва ҳуқуқий мослашувларнинг кечикишига сабаб бўлиши мумкин.

Нотариал ва суд амалиётидаги зиддиятлар ҳам амалиётда учраб туради. Нотариуслар ва суд органлари орасидаги зиддиятлар, шу жумладан, ворисларнинг ҳуқуқини тан олишдаги турли талқинлар, қонунларнинг самарали қўлланишига тўсқинлик қилади.

Қонун бўйича ворисликнинг назарий ва амалий муаммоларини ҳал қилиш учун қонунчиликни такомиллаштириш, рақамлаштириш ва фуқароларнинг ҳуқуқий хабардорлигини ошириш керак. Бу йўналишлардаги ишларни жадаллаштириш ворислик жараёнини шаффоф, аниқ ва самарали қилишга ёрдам беради.